

**Божхона органларини коррупциядан ҳоли тизимга айлантириш
ДАСТУРИ**

Т/р	Чора-тадбирларнинг номланиши	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
1. Божхона органларида коррупцияга қарши қурашиш тизимини янада такомиллаштириш				
1.	Халқаро стандартларга мувофиқ комплаенс назорат тизимини тўлақонли ишга тушириш ҳамда ходимларнинг ушбу тизим бўйича билим ва малакасини ошириш.	Ташкилий чора-тадбирлар.	2022 йил сентябрь	Давлат божхона қўмитаси (A. Мавлонов), Коррупцияга қарши қурашиш агентлиги (A. Бурхонов)
2.	Кадрларни очиқлик ва шаффофлик тамойиллари асосида танлаш. Бунда, танлов жараёнлари натижаларини Интернет тармоғи орқали реал вақт режимида кузатиш имкониятини яратиш.	Давлат божхона қўмитаси буйруғи.	2022 йил сентябрь	Давлат божхона қўмитаси (A. Мавлонов)
3.	Ротация тартиби кўлланиладиган лавозимлар рўйхати ва мезонларини аниқ белгилаш асосида ушбу механизмини такомиллаштириш. Бир божхона постида уч йилдан ортиқ хизмат ўтаган ходимни ротация қилиш тартибини жорий этиш.	Давлат божхона қўмитаси буйруғи.	2022 йил август	Давлат божхона қўмитаси (A. Мавлонов)
4.	Божхона юқ декларацияларини «Масофавий электрон декларациялаш» божхона постларида расмийлаштириш тартибини республиканинг барча худудларида йўлга қўйиш.	Ташкилий чора-тадбирлар.	2022 йил сентябрь	Давлат божхона қўмитаси (A. Мавлонов)
5.	Божхона органларида коррупцион хавфларни бошқариш автоматлаштирилган тизимни яратиш.	Ташкилий чора-тадбирлар.	2022 йил сентябрь	Давлат божхона қўмитаси (A. Мавлонов), Коррупцияга қарши қурашиш агентлиги (A. Бурхонов)
6.	Божхона органлари ходимларининг ҳамда декларациялаш босқичма-босқич жорий этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар.	2022 йил сентябрь	Коррупцияга қарши қурашиш агентлиги (A. Бурхонов), Давлат божхона қўмитаси (A. Мавлонов)

7.	Божхона органлари ходимлари фаолиятини рейтинг асосида (КРІ) баҳолаш орқали уларни рағбатлантириш тизимини жорий этиши.	Ташкилий чоратадбирлар.	2022 йил ноябрь	Давлат божхона қўмитаси (A. Мавлонов)
8.	Божхона органларида коррупцияга қарши курашиш борасида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини рейтинг баҳолашдан ўтказиши.	Ташкилий чоратадбирлар.	2022 йил июль	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (A. Бурхонов), Давлат божхона қўмитаси (A. Мавлонов)
9.	Очиқликка оид қонунчилик хужжатларига тўлиқ риоя этиши ҳамда божхона тизими фаолиятида очиқлик принципларига амал қилиш даражасини ошириш. Бунда, Божхона органлари фаолиятида очиқликни таъминлаш концепциясини тасдиқлаш.	Давлат божхона қўмитаси буйргуи.	2022 йил июнь	Давлат божхона қўмитаси (A. Мавлонов), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (A. Бурхонов)
10.	Божхона органлари ходимларининг даромадлари ҳамда мол-мулки декларацияси шакли, уларни тўлдириш, тақдим этиши тартибини ишлаб чиқиши.	Идоравий норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси.	2022 йил сентябрь	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (A. Бурхонов), Давлат божхона қўмитаси (A. Мавлонов)
11.	Тошкент шаҳридаги «Арк булоқ», «Тошкент-товар», «Сирғали» ва «Чуқурсой» ТИФ божхона постлари ходимларининг хизмат ўташ жойларини рақамли технологиялардан фойдаланиб автоматик тақсимлаш (лавозим ва пул таъминоти сақланган ҳолда) тизимини синов тариқасида жорий этиши масаласини ўрганиб чиқиши.	Таҳлилий маълумотнома.	2022 йил октябрь	Давлат божхона қўмитаси (A. Мавлонов)
12.	Темир йўл ходимлари томонидан чегара орқали ҳаракатланаётган товарларнинг юқ-кузатув хужжатларини божхона постининг хавфсизлиги талабларига жавоб берувчи хавфсиз қопларда тақдим этилишини ташкил этиши.	Ташкилий чоратадбирлар.	2022 йил август	«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ (Х. Хасилов)
13.	Импорт товарларининг юқ-кузатув хужжатларига божхона ходимлари томонидан штамп ва муҳр қўйиш амалиётини	Таҳлилий маълумотнома.	2022 йил сентябрь	Давлат божхона қўмитаси (A. Мавлонов)

	рақамлаштириш орқали бекор қилиш бўйича таклиф киритиш.			
14.	Хуқуқбузарлик холатлари бўйича экспертиза тайинлаш ваколатини божхона пости бошлиғига ўтказиш.	Ташкилий чоратадбирлар.	2022 йил сентябрь	Давлат божхона қўмитаси (A. Мавлонов)
15.	Божхона постларида хуқуқбузарликларни қайд этиш, расмийлаштириш жараёнларида божхона органларининг мансабдор шахслари ўртасидаги вазифалар тақсимотини қайта кўриб чикиш.	Ташкилий чоратадбирлар.	2022 йил сентябрь	Давлат божхона қўмитаси (A. Мавлонов)
16.	Импорт карантин руҳсатномасини импорт қилувчи ҳар бир тадбиркорлик субъектига эмас, балки товар жўнатувчи давлатга нисбатан бериш механизмини яратиш. Марказлашган тартибда руҳсатнома бериш тизимидан воз кечиб, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ваколатини унинг ҳудудий бўлимларига ўтказиш.	Қонун лойиҳаси.	2022 йил ноябрь	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги (И. Эргашев), манфаатдор вазирлик ва идоралар
17.	Хавф даражасидан келиб чиқиб, товарлар бўйича мувофиқликни тасдиқлаш хужжатларини улар божхона ҳудудига келгунга қадар ёки эркин муомалага чиқарилгандан сўнг, бироқ реализация қилгунга қадар олиш тартибини жорий этиши.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси.	2022 йил декабрь	Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (Д. Саттаров), Давлат божхона қўмитаси (A. Мавлонов)
18.	Божхона органи томонидан божхона қийматини тасдиқловчи хужжатларни зарурат бўлганда қўшимча сўраб олиш амалиётини жорий этиш орқали ушбу хужжатларни мажбурий талаб этиш тартибини бекор қилиш.	Идоравий норматив-хуқукий хужжат лойиҳаси.	2022 йил декабрь	Давлат божхона қўмитаси (A. Мавлонов), манфаатдор вазирлик ва идоралар
19.	Божхона қийматини аниқлаш жараёнларида хавфни бошқариш ахборот тизимида айrim товарларнинг индикатив нархларини белгилаш орқали назорат қилиш механизмини жорий этиши.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси.	2022 йил декабрь	Давлат божхона қўмитаси (A. Мавлонов), манфаатдор вазирлик ва идоралар
20.	Хавфларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва божхона аудитини самараали ташкил этиш учун божхона	Ўзбекистон Республикаси Конуни лойиҳаси.	2022 йил декабрь	Давлат божхона қўмитаси (A. Мавлонов), Марказий банк

	органлари учун банк операциялари тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиш имкониятини яратиш.			(M. Нормуратов), Молия вазирлиги (Т. Ишиметов)
21.	Республикага олиб кириладиган товарлар божхона қийматини назорат қилишининг барча жараёнларини ўз ичига олган тартибни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Давлат божхона қўмитаси буйруғи.	2022 йил декабрь	Давлат божхона қўмитаси (A. Мавлонов)
22.	Божхона фаолиятини тартибга солувчи норматив-хукуқий хужжатларни босқичма-босқич коррупцияга қарши экспертизадан ўтказган ҳолда, коррупциядан холи божхона қонунчилигини яратиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	Таҳлилий маълумотнома.	2022 йил декабрь	Давлат божхона қўмитаси (A. Мавлонов), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (A. Бурхонов), манфаатдор вазирлик ва идоралар
23.	Божхона органлари билан жамоатчилик, нодавлат ташкилотлар ўртасида яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали божхона органларида коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини ошириш. Бунда, коррупцияга оид муаммоларни ўрганишда божхона органларида хизмат олиб бораётган ходимларнинг ота-оналари ва яқин қариндошлари иштирокида учрашувлар ташкил этиш, улар ўртасида аноним сўровномалар ўтказиш, ходимларнинг яшаш жойлари, шароитларини ўрганиш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғини ва маҳалла фаоллари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш.	Ташкилий чора-тадбирлар.	2022 йил давомида	Давлат божхона қўмитаси (A. Мавлонов)
24.	Коррупцияга қарши курашиш соҳасида янги хавф-хатар ва таҳдидларни ҳисобга олган ҳолда, божхона органлари тезкор тузилмаларининг техник жиҳозланишини такомиллаштириш чораларини кўриш.	Ташкилий чора-тадбирлар.	2022 йил сентябрь	Давлат божхона қўмитаси (A. Мавлонов)
25.	Жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматларини кўрсатувчи ходимларнинг ўз	Давлат божхона қўмитаси буйруғи.	2022 йил октябрь	Давлат божхона қўмитаси (A. Мавлонов)

	ишига қанчалик ҳалол ва вижданан ёндашаётганлигини аниқлаш мақсадида «сирли мижоз» тадбирларини ўтказиш амалиётини жорий этиши.			
26.	Аудио-, видеороликлар, баннер, плакат ва инновацион ахборот-тарғибот материалларидан фойдаланган ҳолда, ходимларда коррупцияга нисбатан муносабат, коррупцияга тоқатсизлик позициясини шакллантиришга қаратилган тадбирларни ўтказиши.	Ташкилий чора-тадбирлар.	2022 йил давомида	Давлат божхона қўмитаси <i>(A. Мавлонов)</i>
27.	Жамоатчилик билан божхона органлари ўртасидаги муносабатлар сифатини яхшилаш мақсадида божхона органларининг ишонч телефонлари ва Call-марказлари («тезкор алоқа линиялари») иш самарадорлигини мониторинг қилиб бориши.	Ташкилий чора-тадбирлар.	доимий	Давлат божхона қўмитаси <i>(A. Мавлонов)</i>
2. Кадрлар билан ишлаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш				
28.	Бирлашган Араб Амирлари, Туркия, Озарбайжон, АҚШ ва Россия Федерациясининг кадрлар тайёрлаш ва рақамлаштириш соҳасидаги тажрибасини ўрганиш.	Ташкилий чора-тадбирлар.	2022 йил давомида	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги <i>(Ш. Вафаев)</i> , Давлат божхона қўмитаси <i>(A. Мавлонов)</i>
29.	Мудофаа вазирлиги билан ходимларнинг жанговар ва жисмоний тайёргарлигини янада ошириш ҳамда амалий машғулотлар ўтказиш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш, вазирликнинг ҳарбий дала полигонларидан амалий машғулотларни ўтказишида фойдаланиш.	Кўшма чора-тадбирлар режаси.	2022 йил май	Давлат божхона қўмитаси <i>(A. Мавлонов)</i> , Мудофаа вазирлиги <i>(Б. Курбанов)</i>
30.	Давлат божхона органлари тизимидағи ташкилотларнинг штат тузилмаларига ўзgartиришлар киритилаётганлиги муносабати билан божхона органлари штатларини қайта тасдиқлаш. Бунда, худудий божхона бошқармалари аппарати, Божхона институти, Миллий кинология маркази ва божхона постларидағи	Давлат божхона қўмитаси буйруғи.	2022 йил май	Давлат божхона қўмитаси <i>(A. Мавлонов)</i>

	айрим лавозимлар учун белгиланган маҳсус унвонларни бир поғона кўтариш.			
31.	<p>Божхона постларининг ихтиослашувидан келиб чиқиб, ходимларни ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини таълим-бошқарув-амалиёт занжири асосида жорий этиш.</p> <p>Бунда, Давлат божхона қўмитасининг худудий бошқармалари ва Божхона институти ходимларидан иборат таркибда мобил гурухлар тузган ҳолда, бевосита постда сайёр ўқув машғулотларини ўtkазиш.</p> <p>Ходимларнинг билим савиясини баҳолаш орқали уларни йўналишлар бўйича мақсадли ўқитиш.</p>	<p>Ўқув машғулотларини ўтказиш режажадвали.</p> <p>Ташкилий чоратадбирлар.</p>	<p>2022 йил июнь</p> <p>2023 йил январь</p>	Давлат божхона қўмитаси (A. Мавлонов)
32.	Давлат божхона хизмати органларига бириктирилаётган умумий ўрта таълим мактабларида божхона иши йўналишида таълим ва тарбия ишларини ташкил этиш, ёшларда божхона соҳасига нисбатан қизиқиши ошириш бўйича чоратадбирларни белгилаш.	Кўшма қарор.	2022 йил май	Давлат божхона қўмитаси (A. Мавлонов), Халқ таълими вазирлиги (Б. Сайдов)
33.	Давлат божхона хизмати органларининг таркибий тузилмаларидаги эҳтиёждан келиб чиқиб, аёл ходимлар улушини икки бараварга ошириш.	Ташкилий чоратадбирлар.	2022 — 2024 йиллар	Давлат божхона қўмитаси (A. Мавлонов)
34.	Давлат божхона хизмати органларида хизмат қилаётган аёл ходимларнинг сиёсий-хуқуқий билимларини ошириш.	Ташкилий чоратадбирлар.	2022 йил давомида	Давлат божхона қўмитаси (A. Мавлонов)
35.	Худудларда божхона органлари ходимлари учун хизмат уйларини қуриш. Шу жумладан Тошкент вилояти божхона бошқармасининг собиқ маъмурий биноси ўрнида хизмат уйини барпо этиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси.	2022 йил июнь	Давлат божхона қўмитаси (A. Мавлонов), манфаатдор вазирлик ва идоралар
36.	Божхона органлари ходимлари фарзандларининг давлат олий таълим муассасалари ҳамда олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларига алоҳида квота асосида ўқишига кириши учун Давлат божхона қўмитаси	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси.	2022 йил июль	Давлат божхона қўмитаси (A. Мавлонов), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (A. Тошқулов)

	раисининг тавсияномасини бериш тартибини ишлаб чиқиши.			
37.	Божхона органлари ходимларини хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган, шунингдек, хизмат мажбуриятини бажаришда олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган деб топиш тартиби ва унинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиши.	Идоравий норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси.	2022 йил июль	Давлат божхона қўмитаси (<i>A. Мавлонов</i>), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (<i>B. Мусаев</i>), Ички ишлар вазирлиги (<i>P. Бобоҷонов</i>)
38.	Ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш йўналишидаги ишларни мувофиқлаштириш мақсадида мавжуд штатлар доирасида Давлат божхона қўмитаси Кадрлар бошқармаси таркибида ходимларнинг ижтимоий ҳимояси билан шуғулланишга масъул бўлимни ташкил этиши.	Ташкилий чора-тадбирлар.	2022 йил август	Давлат божхона қўмитаси (<i>A. Мавлонов</i>)
39.	Ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш мақсадида уларнинг фарзандларини давлат мактабгача таълим муассасалари ҳамда умумий ўрта таълим мактабларига имтиёзли жойлаштириш тартибини жорий этиши.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси.	2022 йил август	Давлат божхона қўмитаси (<i>A. Мавлонов</i>), Халқ таълими вазирлиги (<i>B. Сайдов</i>), Мактабгача таълим вазирлиги (<i>A. Шин</i>)
40.	Божхона органлари ходимларига хизмат уй-жойларини ажратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, хизмат уй-жойини хусусийлаштириш тартибини жорий этиши.	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси.	2022 йил сентябрь	Давлат божхона қўмитаси (<i>A. Мавлонов</i>)